



ПАХТА ИПАКЛИ ҲОСИЛАЛИ ГЛАДЬ ТРИКОТАЖ ТҮҚИМАЛАРИНИ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Б. Мирусманов

доцент, асс., проф.

М.М. Мукимов

И.И. Камалова

Тошкент тўқумачилик ва енгил саноат институти
Наманган мұхандислик технология институти

Мақолада Хитойда ишлаб чиқарилган LONG XING русумли ясси икки игнадонли трикотаж тўқув машинасини технологик имкониятларини кенгайтириш мақсадида, пахта ипакли ҳосилали трикотаж тўқима-ларини маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб олиш технологияси келтирилган.


В статье приведена технология получения хлопка шелковой производной глади с эффективным использованием местного сырья с целью расширения технологических возможностей плосковязальной двухфоктурной вязальной машины типа LONG XING производимой в Китае.

The article presents the technology for producing cotton-silk purl stitch with the effective use of local raw materials in order to expand the technological capabilities of a LONG XING type flat double knitting machine manufactured in China.

Ҳосилали гладъ тўқимаси иккита гладъ тўқимасининг қўшилишидан ташкил топади, шунинг учун ҳам унинг номи икки гладъ тўқимаси ҳам деб аталади.

Ҳосилали гладъ тўқимасининг бўйига чўзилувчанлиги, ҳалқалар устунчаларининг бир - бирига яқин жойлашганлиги сабабли, гладъ тўқимасининг чўзилувчанлигига қараганда камроқ бўлади. Ҳосилали гладъ тўқимасининг таркибида узун протяжкалар бўлганлиги сабабли бу трикотажнинг энига чўзилувчанлиги гладъ тўқимасининг чўзилувчан-лигига қараганда камроқ бўлади.


Ҳосилали гладъ тўқимасининг эни ва бўйи бўйлаб пишиқлиги гладъ тўқимасини пишиқлигига қараганда юқоридир [1]. Ҳосилали гладъ тўқимасини тўқишида ҳалқа ҳосил қилиш жараёни айниқса платинасиз машиналарда, машинанинг конструктив тузилшига ҳеч кандай ўзгартириш киритмасдан тўқиши анча енгил бажарилади, чунки ипни эгиш операцияси бажарилаётганда игналар ипни битта игна оралаб эгади. Хитойда ишлаб чиқарилган LONG XING русумли ясси икки игнадонли трикотаж тўқув машинасини технологик имкониятларини кенгайтириш мақсадида, пахта ипакли ҳосилали трикотаж тўқималарини, маҳаллий хомашёлардан самарали фойдаланиб олиш технологияси ушбу мақолада келтирилган.





Пахта ипакли ҳосилали трикотаж тўқималар таркибидаги ипак иларини тўқиманинг технологик параметрларига ва физик - механик хусусиятларига таъсирини ўрганиш, ипак иларини қўлланиш қўламини ва машинанинг технологик имкониятларини кенгайтириш мақсадида ҳосилали трикотаж тўқимасини VII та вариантини тузилиши ва олиш усуллари ишлаб чиқилди.

Вариант -I




Расм -1. Ҳосилали гладь тўқимасининг (а) тузилиши ва (б) график ёзуви

Олиниши режалаштирилган ҳосилали гладь трикотаж тўқимасини ҳамма еттига вариантини ташқи қўриниши, яъни тузилиши бир хил бўлиб, бу вариантлар бир-биридан тўқима таркибидаги хомашёларни чизиқлий зичликларини ўзгариши билан ва тўқима таркибидаги ҳалқа қаторларини тукишда иларни тахтланишини ўзгартирилиши билан фарқ қиласади. Ҳосилали гладь тўқимасининг I - вариантини тузилиши ва графикли ёзувлари 1 - расмда келтирилган.

1 - расмда келтирилган ҳосилали гладь тўқимасини тўқиши, қуйидаги тартибдаги жараёнлар кетма-кетликлариорқали амалга оширилади. Ҳосилали гладь трикотаж тўқимаси ясси икки игнадонли LONG XING русумли трикотаж тўқув машинасида қўйидагича олинади:


-ясси икки игнадонли машинанинг ҳалқа ҳосил қилиш тизими чапдан ўнгга ҳаракатланишида олди игнадондаги игналарга чизиқли зичлиги 20 текс x 3 пахта калава ипи, игнадондаги игналарга битта оралаб қўйилди, яъни тўқимани биринчи ҳалқа қатори ҳамма тоқигналарда ҳосил қилинди:





-тўқимани иккинчи ҳалқа қатори ясси икки игнадонли машинанинг ҳалқа ҳосил қилиш тизимини ўнгдан чапга ҳаракатланишида олди игнадондаги игналарга чизиқли зичлиги 20 текс x 3 пахта калава ипини,

Вариант -II



Расм - 2. Ипакли ҳосилали гладь тўқимасининг (а) тузилиши ва (б) графикли ёзуви

игнадондаги игналарга битта игна оралаб қўйилиши билан, яъни тўқимани иккинчи ҳалқа қатори ҳамма жуфт игналарда ҳосил қилинади 1 - расм. Ҳосилали гладь трикотаж тўқималар таркибидаги ипак ипларини тўқиманинг технологик параметрларига ва физик-механик хусусиятларига таъсирини таҳлил қилиш, ипак ипларини қўлланиш кўламини ва машинанинг технологик имкониятларини кенгайтириш мақсадида ҳосилали трикотаж тўқимасини II - варианти 100 % ипак ипидан олинди, яъни тўқимани ҳамма ҳалқа қаторлари фақат ипак ипларидан ҳосил қилинди ва олинган тўқима тузилиши ва графикли ёзуви 2 - расмда келтирилган.

Ясси икки игнадонли LONG XING русумли трикотаж тўқув машинасида ҳалқа ҳосил қилиш тизими чапдан ўнгга ҳаракатланишида олди игнадондаги игналарга чизиқли зичлиги 16,7 текс x 4 ипак калава ипи, игнадондаги игналарга битта оралаб қўйилди, яъни тўқимани биринчи ҳалқа қатори ҳамма тоқ игналарда ҳосил қилинди:


-тўқимани иккинчи ҳалқа қатори ясси икки игнадонли машинанинг ҳалқа ҳосил қилиш тизимини ўнгдан чапга ҳаракатланишида олди игнадондаги игналарга чизиқли зичлиги 16,7 текс x 4 ипак калава ипини, игнадондаги игналарга битта игна оралаб қўйилиши билан, яъни тўқимани иккинчи ҳалқа қатори ҳамма жуфт игналарда ҳосил қилинади 2 - расм.





Тўқима таркибидаги пахта ва ипак ипларини трикотажнинг технологик параметрларига ва физик механик хусусиятларига таъсирини аниқлаш мақсадида ҳосилали гладь трикотаж тўқимасини III-вариантидаги ҳамма ҳалқа қаторлари чизиқлий зичлиги 20 текс x 3 пахта калава ипидан ва чизиқлий зичлиги 16,7 текс x 3 ипак калава ипидан олинган ҳосилали пахта ипакли трикотаж тўқимасини тузилиши ва графикли ёзуви 3 - расмда келтирилган. Тўқима таркибидаги пахта ва ипак ипларини чизиқлий зичликларини ўзгартирилиши ҳисобига трикотажни технологик параметрлари ва физик механик хусусиятларига таъсирини тахлил қилиш мақсадида, ҳосилали трикотаж тўқимасини IV - вариантини тузилиши ва графикли ёзувлари 4 - расмда келтирилди. IV - вариантни олдинги вариантлардан асосий фарқи бу тўқимада, олди игнадондаги игналарга чизиқли зичлиги 20 текс x 1 пахта калава или ва 16,7 текс x 2 ипак калава ипларини иккаласи ҳам битта ип узатувчи мослама орқали, битта игна оралаб берилиб, ҳосилали туқимани биринчи қатор вачизиқлий зичлиги 20 текс x 3 пахта или ҳам битта игна оралаб берилиб, тўқимани иккинчи қатори туқилди. Олинган пахта ипакли ҳосилали гладь тўқимасининг тузилиши ва графикли ёзувлари 4 - расмда келтирилган.

Вариант - III



Расм - 3. Пахта - ипакли ҳосилали гладь тўқимасининг (а) тузилиши ва (б) графикли ёзуви


Юқорида келтирилган ҳосилали трикотаж тўқималарини Хитойда ишлаб чиқарилган LONG XING русумли трикотаж тўқув машинасини конструктив тузилишига ҳеч қандай ўзгартириш киритмасдан, фақат ипларнинг чизиқлий зичликларини ўзгартириб тўқиши ҳисобига ишлаб чиқарилди. Тўқимани тўқиши жараёнлар кетма - кетликлари худди олдинги вариантлардаги каби бир хил, чунки тўқима тузилиши ҳам ҳамма вариантларда бир хил. Ҳосилали гладь пахта ипакли трикотаж тўқималарини технологик параметрларига ва физик - механик хусусиятларига таъсирини тахлил қилиш мақсадида бу тўқимани V - варианти, чизиқлий зичлиги 20 текс x 1 пахта калаваси ва






чизиқлий зичлиги 16,7 текс x 2 ипак калваси иларидан олдигнадон игналарига битта игна оралаб битта ҳалқа қаторини ҳосил қиласа, ҳосилали гладнинг иккинчи ҳалқа қатори ҳам иккита ипдан, чизиқлий зичлиги 20 текс x 1 пахта калава ипи ва чизиқлий зичлиги 16,7 x 2 ипак калава иларидан түқилди. Олинган пахта ипакли трикотаж тўқимасини тузилиши ва графикли ёзуви 5 - расмда келтирилди. Бу тўқиманинг олдинги варианктардан фарқи, ҳосилали гладъ тўқимасини битта ҳалқа қатори, чизиқлий зичликлари юқорида кўрсатилган иккита ипдан олинишида.

Вариант -IV




a




Расм - 4. Пахта - ипакли ҳосилали гладъ тўқимасининг (а) тузилиши ва (б) графикли ёзуви


Ҳосилали гладъ пахта ипакли трикотаж тўқимасини VI - варианти ҳам худди шундай тузилишга эга бўлиб, ҳосилали гладнинг ҳалқа қаторлари чизиқлий зичлиги 20 текс x 3 пахта калава ипидан ва иккинчи ҳалқа қатори чизиқлий зичлиги 20 текс x 2 ва чизиқлий зичлиги 16,7 текс x 1 ипак калава ипидан битта игна оралаб тўқилади. Олинган трикотаж тўқимасини тузилиши ва графикли ёзуви 6 - расмда келтирилган. Ҳосилали гладъ пахта ипакли трикотаж тўқимасини VII - варианти ҳам

Вариант - V






а




б




Расм - 5. Пахта - ипакли ҳосилали гладь тўқимасининг (а) тузилиши ва (б) графикли


Вариант - VI



а



б



Расм - 6. Пахта - ипакли ҳосилали гладь тўқимасининг (а) тузилиши ва (б) графикли


худди шундай тузилишга эга бўлиб, ҳосилали гладнинг ҳалқа қаторлари чизиқлий зичлиги 20 текс x 2 пахта калава ипидан ва чизиқлий зичлиги 16,7 текс x 1 ипак калава ипидан битта игна оралаб тўқилади, иккинчи ҳалқа





қатори ҳам чизиқлий зичлиги 20 текс x 2 пахта калава ипидан ва чизиқлий зичлиги 16,7 текс x 1 ипак калава ипидан битта игна оралаб тўқилди

Вариант -VII



Расм - 7. Пахта - ипакли ҳосилали гладь тўқимасининг (а) тузилиши ва (б) графикли ёзуви

Ҳосилали гладь пахта ипакли трикотаж тўқималарини ясси икки игнадонли трикотаж тўқув машинасида ипак ва пахта калава ипларини чизиқлий зичликларини ўзгартириб ишлаб чиқариш, машинанинг технологик имкониятларини ва ипак ипларини қўлланиш қўламини кенгайишига ҳамда сифат кўрсаткичлари юқори бўлган маҳсулот турларини кўпайишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Mukimov M.M. «Trikotaj texnologiyasi» O'zbekiston 2002 y.

